

ЖАРҚҮРҒОН ТУМАН ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИ

АЛМАРДАНОВ АНВАР УРАЛОВИЧНИНГ ОКТЯБРЬ ОЙИ ЯКУНИ БҮЙИЧА ҲИСОБОТИ



Барчамизга маълумки, давлатимиз, хусусан иқтисодиётимиз ривожида тадбиркорларнинг ўрни бекиёс. Шу боис уларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, фаолиятларини ривожлантириш учун зарурй шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш устувор вазифалардан бири саналади.

Давлат солиқ органлари томонидан тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш, фаолиятлари билан яқиндан танишиш мақсадида мунтазам тарзда бевосита мулоқотлар ташкил этилиб, солиқ қонунчилигига оид янгилик ва ўзгаришлар тўғрисида батафсил тушунтиришлар бериб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида “Солиқчи-кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлар иштирокида 6 маротаба семинар ва учрашувлар ташкил этилиб, соҳалар кесимида 11 та давра сұхбатлари ўтказилди. Шунингдек тадбиркорлик субъектларининг иш жараёнида юзага келаётган муаммоларини ҳал этиш мақсадида вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан ташкил этилган “Солиқчи-кўмакчи” телеграм каналига йўлланган мурожаатларга кўра жами 476 тадбиркорларнинг муаммолари ҳал этилди.

Бундан ташқари йил бошидан бугунги кунга қадар туманимизда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ҳузурига борган ҳолда 2793 та муаммолари ўрганилиб, ушбу муаммоларнинг 1504 таси солиқ органлари ходимлари кўмагида ҳал этилди ва 1289 та масала юзасидан тушунтиришлар берилди. Жумладан 1044 нафар тадбиркорларга дастлабки бухгалтериясини юритишда кўмаклашилиб, 987 нафар тадбиркорларга “E-imtiyoz”, “E-ijara” ҳамда “E-aktiv” автоматлаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланиш тартиблари тушунтирилди.

Тадбиркорлар билан доимий тарзда олиб борилаётган тушунтириш ишлари натижасида 868 та корхонада меҳнат қилаётган 1289 нафар фуқароларнинг фаолияти қонунийлаштирилди.

Агар соҳалар кесимида қўриб чиқадиган бўлсак, савдо ва умумий овқатланиш корхонарларида 211 нафар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида 432 нафар, қурилиш корхоналарида 489 нафар ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи 157 нафар фуқароларнинг фаолияти расмийлаштирилди ва бюджетга 1,9 млрд.сўм қўшимча маблағ йўналтирилди

2022 йилнинг октябрь ойи давомида вилоятимиз солик тўловчилари томонидан 8 млрд 226,2 млн сўм миқдорида солик тўланиб, белгиланган прогноз режаси 2 млрд. 17,3 млн. сўм ортиғи билан бажарилди.

Шу ўринда давлатимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга сафарбар этиладиган соликларни ўз вақтида тўлаётган ҳар бир юртдошимизга ўз миннатдорчилигимизни билдириб, давлат солик органлари ходимлари ҳар бир солик тўловчи билан бевосита мулоқотга киришиш, муаммоларига ижобий ечим топиш ва уларнинг фикр-млоҳазалирини тинглашга тайёр эканлигини билдирамиз. Зоро, солик маъмурчилигини такомиллаштиришда солик тўловчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари ҳам мухим аҳамият касб этади.

**Анвар АЛМАРДАНОВ, Жарқўрғон туман Давлат солик инспекцияси
бошлиғи.**